



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG'OT  
TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

**Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy**

2021 -yil 22 - Iyul

94а -son

Bog'ot shaharchasi

Мархума Мадримова Нуржоннинг турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Узумзор” шаҳарчасида яшовчи фуқаро Бабоев Ғайрат Отахоновичнинг мархума онаси Мадримова Нуржоннинг “Узумзор” шаҳарчасида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 22 декабрдаги ШЯ-Б-3577-сонли аризасини, “Узумзор” шаҳарчаси фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонасининг Боғот туман филиалининг 2020 йил 3 августдаги 2873-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р            Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Узумзор” шаҳарчасида жойлашган 10 (ўн)та хонадан иборат, яшаш хоналари 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 94,15 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 128,85 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 223,0 квадрат метр, қурилиш ости майдони 297,75 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан мархума Мадримова Нуржонга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Мархума Мадримова Нуржоннинг меросхўрлари ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қурилиши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширишда

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Мархума Мадримова Нуржоннинг меросхўрларига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи**



**Ш.Яхшибаев**